



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 22 - Aprel

863a -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Шамуратов Баҳодир
Сабирбаевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Нурли ҳаёт” маҳалласида яшовчи фуқаро Шамуратов Баҳодир Сабирбаевичнинг “Нурли ҳаёт” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 26 мартдаги ШЯ-Ш-1329-сонли аризасини, “Нурли ҳаёт” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 25 мартдаги 981-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Нурли ҳаёт” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 71,15 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 123,32 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 194,37 квадрат метр, қурилиш ости майдони 256,72 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Шамуратов Баҳодир Сабирбаевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Шамуратов Баҳодир Сабирбаевичга ушбу турар жой биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қурилиши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Шамуратов Баҳодир Сабирбаевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев